

Аср мужтаҳиди



12:30 / 22.05.2021 4125

Шайх Юсуф Абдуллоҳ Қарзовийнинг номини эшитмаган ёки билмаган аҳли илм бўлмаса керак. Бу киши замонамизнинг улуғ Ислом олими, «аср мужтаҳиди» номини олган ва исломий илмлар ривожига улкан ҳисса қўшган беназир алломадир.

Шайх Юсуф Қарзовий ҳижрий 1396 йили (милодий 1926 йил 9 сентябрда) Миср ғарбидаги Сафт Туроб номли кичик қишлоқда туғилди. Икки ёшга кирганида отасидан ажралиб қолди ва амакисининг диндор оиласида улғая бошлади. Оиласидагилар унинг дурадгор бўлишини исташар, аммо бола масжид имоми бўлишни орзулаб юрарди.

Ёш Юсуф тўрт ёшидан бошлаб маҳаллий масжид қошидаги Қуръон мактабига қатнай бошлади ва ўн ёшида мураттаб қори бўлди. Мактаб таълимини олганидан кейин у Тантодаги диншунослик институтида

Ўқишини давом эттирди. Ўн саккиз ёшида Қоҳирага бориб, машҳур ал-Азҳар дорилфунунининг дин асослари факультетига ўқишга кирди. 1953 йили Азҳарни битирган йигит Араб тилини ўрганиш дастурининг араб тили ва адабиёти йўналиши бўйича ҳам диплом олди. 1960 йили институтни тамомлаб, Қуръон илмлари бўйича магистр бўлди.

1949 йили, Миср қироли Форуқ ҳукмронлиги даврида Юсуф Қарзовийга сиёсий айблар тақалиб, ҳибсга олинади. Шундан кейин Мисрнинг собиқ президенти Жамол Абдул Носир ҳукмронлиги пайтида у яна уч марта қамоққа тушади. Ана шу воқеалардан кейин у 1961 йили Мисрни ташлаб чиқиб кетишга қарор қилади.

Қатар давлатининг таклифи билан 1961 йили Юсуф Қарзовий Қатар пойтахти Дохадаги диний институтга раҳбар этиб тайинланди. Ректор лавозимида ишларкан, педагогика факультетида ўзи ташкил этган Исломий тадқиқотлар бўлимига раҳбарлик қилди, кейинчалик эса ўзи таъсис қилган Исломий тадқиқотлар факультетининг декани лавозимида ишлади. Шайх Юсуф Қарзовий Суннат ва Сийрат тадқиқотлари марказини ҳам таъсис этган бўлиб, бугунги кунгача унга раҳбарлик қилиб келмоқда. 1973 йил эса «Ижтимоий муаммоларни ечишда закотнинг аҳамияти» мавзусида докторлик диссертациясини ёқлади.

Шайх Юсуф Қарзовий Миср Вақфлар вазирлигида Дин ишлари бўйича назорат кўмитасида, ал-Азҳар университети қошидаги Исломий таълим бошқармасида фаолият юритди, кўплаб ўқув муассасаларига муассис ва ҳомий бўлди. Шайх Юсуф Қарзовий моҳир нотик, публицист, ҳассос адиб, ҳуқуқшунос, исломий илмларнинг турли соҳалари бўйича юқори малакали мутахассисдир. Унинг «ал-Жазира» телеканалда ташкил этган «Шариат ва ҳаёт» кўрсатуви машҳур бўлиб кетди. Кўрсатувни дунёда жами 60 миллион мусулмон мунтазам кузатиб бориш билан бирга, олим билан савол-жавоб қилиш имкониятига ҳам эга бўлишди. 1997 йили бевосита Шайхнинг ташаббуси билан ташкил этилган islamonline веб-сайти ҳам исломий илмларни тарқатишда жуда катта хизмат қилмоқда.

1990–1991 йиллари шайх Қарзовий Жазоирдаги Ислом университети ва олий таълим илмий кенгаши раиси бўлиб ишлади. Қатарга қайтиб келгач, Қатар университети Сунна маркази раҳбарлигига тайинланди ва ҳозиргача ушбу вазифада самарали ишлаб келмоқда.

Шайх Қарзовий узоқ йиллар мобайнида Бутунжаҳон Ислом уламолари иттифоқи президенти вазифасида ишлаб, дунё Ислом олимларининг

олимларидан биридир. Қарзовий мусулмонларни шариатнинг мақсад ва устувор йўналишларини чуқур тадаббур қилиб, оқилона англаб етишга, Ислоннинг бузилмас рукнлари ҳамда узлуксиз ўзгариб турувчи замон ўртасидаги мувозанатни маҳкам тутишга чақиради, давр билан ҳамнафас бўлиб, келажакка интилади.

Шайх Қарзовий ўзининг қизғин илмий фаолияти давомида Осиё ва Африкадаги деярли барча Ислон давлатларида бўлиб, дунёнинг турли мамлакатларидаги мусулмон жамоалари ва диаспоралари билан учрашган, улар билан доимий мулоқотда бўлган, кўплаб ислоний ва халқаро университетларнинг таклифига кўра маърузалар қилган, жуда кўплаб илмий анжуманларда иштирок этган. Фазилатли шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳ шайх Юсуф Қарзовийни яқиндан билар, у билан дўстлашиб, кўплаб илмий муноқашалар ва самимий суҳбатлар қурган эдилар.

Маҳмуд Маҳкам